

ШАРҚШУНОСЛИК 2007/1

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг илмий журнали

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
Ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ НАШРИ

ШАРҚШУНОСЛИК
1992 йилдан чиқа бошлаган

М. КОМИЛОВ

бош муҳаррир муовини

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ

масъул котиб

Таҳрир ҳайъати:

С. ҲАСАНОВ

О. ШОМАТОВ

Т. МУХТОРОВ

М. ҲАСАНИЙ

М. ИСҲОҚОВ

Р. ХЎЖАЕВА

М. АҲМЕДОВА

А. КУРОНЬЕКОВ

А. СОДИҚОВ

У. ИДИРОВ

ТЕХ. МУҲАРРИРЛАР:

С. Жўраева – муҳаррир

М. Зарифов – тех. муҳаррир

И. Ҳасанова – корректор

Б. Орифжонова – техник

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК

Шодмонова С. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда шарқ тилларини ўрганиш масалалари	3
Қосимова С. Тусламайдиган ва қисман тусланадиган феъллар	10
Алимова Х. Дарий тилида соматик қўшма сўзлар	15
Турдалиев Б. «Хабари муқаддам» ва «Мубтало муаххар»	20
Ҳошимова С. Хитой тилидаги тақлидий сўзларда редупликация	24

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Иномхўжаев Р. Маҳмуд Тарзий ижодида саяҳатнома жанри	28
Арипов З. Фаробий зикридаги мусиқачилар	34
Арипжанова Д. Юсуф ал-Қуайид «янги мавж» оқимининг ёрқин вакили	38
Остонова Г. «Минг бир кеча» асарида шеъринг матилар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари	41
Турсун Қурбон Турқаш. Залилий лирикаси ва «ўн икки мақом»	45

СИЁСАТШУНОСЛИК ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Муҳаммадсидиқов М. Франция ташқи сиёсатида «Африка Франкофон» давлатларининг ўрни	48
Халилова К. Жазоир дипломатияси: генезиси ва замонавий аҳволи	54
Орипов Ш. Терроризм: Шарқ ва Ғарб мулоқоти контекстида	61
Турсунмуратов Т. Ҳиндистонда ахборот-коммуникацион технологиялар ривожланишида давлатнинг роли	69
Кучаров Ч. Марказий Осиё геосиёсий ва геоиқтисодий tizими шаклланишида Европа Иттифоқи ҳамкорлиги хусусида	73

ТАРИХ ВА ФАЛСАФА

Файзиев Х. Шоҳрух даврида темурийлар салтанатининг Ҳиндистондаги давлатларда олиб борган сиёсати	78
Турсуметова Г. Абдурауф Фитратнинг XX аср бошларидаги педагогик қарашлари	82

«Мли
даги
энди
шга
илки
нинг
нинг
лари
или
лик
гига
ари,
эди,
дан
миз
қда
инг
ал-
и»
син
ва
ш-
зги
й.)
то-
дан
ин
и.
ан
уй

ср
и.
эд
и

н,
т
ўз
и

Муаллиф романларидаги қаҳрамонлар билан бирга дард чекиб, уларни киндан ҳис қилади. Бунга «Қурғоқчилик кунлари» романи мисол бўла олади. Бу романда у қишлоққа ўқитувчи бўлиб келган муаллимнинг ҳаётини, қишлоқ аҳли билан мулоқат туза олмай, жамоатдан ажралиб қолган инсон ҳаётини тасвирлаб беради. Қаҳрамон қишлоқ аҳлининг қолоқлигини, ҳаётини анъаналарнинг қотиб қолганлиги, оламда нима ҳодиса бўлаётганидан бутунлай беҳабар бир шароитда яшаётганлигини кўриб изтироб чекади, аммо ҳеч нарса қила олмайди. Бу романдаги қаҳрамоннинг ҳис туйғуларини, ҳолатини ёзувчи зўр маҳорат билан тасвирлаб беради. Ёзувчи ўз романларида воқеа содир бўлган жой сифатида ўзининг қишлоғини танлаши ҳам бежиз эмас. Шунини ўзига ижодий анъана қилиб олган Юсуф ал-Қуайид қишлоқ ҳаётини яхши билган ва уни чуқур ҳис қила олган ёзувчилардан бири ҳисобланади.

Юсуф ал-Қуайиднинг ижодини кузатар эканмиз, унинг романларида янги услубни, яъни 60-70 йиллардаги анъанавий услубдан воз кечмаган ҳолда, замонавий услубга ўтишни кўрамиз. Унда ёзувчи эски анъанадан, яъни қишлоқнинг турғун ҳаёти, ундаги деҳқонларнинг ижтимоий ҳолатига янги тафаккур билан ёндашганининг гувоҳи бўламиз.

1. Кирпиченко В.Н. Современная Египетская проза 60-70-е годы. —М.: Наука 1985. —С. 249;
2. Махфуз Н., аш-Шаруний Й. Хаула-л-қисса ал-мисрийя (О египетской прозе). —Ал-Талия. 1973, №1, —С56.
3. Ходжаева Р.У. Янги араб адабиёти тарихи (1-қисм). —ТошДШН, 2004.

ОСТОНОВА Гулнора

«Минг бир кеча» асарида шеърин матилар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари

«Минг бир кеча» кўп сонли қиссалар, эртақ-афсоналар, масал ва маталларни ўз ичига қамраб олган улкан насрий асар бўлиши билан бирга, Шарқ шеърини намуналари ҳазинаси ҳамдир. Бу асарга тартиб берган номаълум муаллиф қаҳрамонлар ҳолатини жонли ва таъсирчан қилиб тасвирлаш ёхуд асар жозибадорлигини ошириш учун кўплаб шеърин парчаларни келтиради. Шеърин парчалар баъзи қиссаларда кўпроқ, баъзисида эса камроқ учрайди. Ишқ-муҳаббат, ҳижрон ва васл ҳақидаги қиссаларда, гўзал канизаклар таъриф-тавсифи ёхуд турли мунозарали лавҳаларда шеърин байтлар кетма-кет келтирилади.

Шуниси равшанки, шеърин қисмлар ҳикоят ва қиссаларнинг сюжет тўқимасига сингиб кетган, агар шеърлар чиқариб ташланса, асарнинг бадиий

III Паркигнослик

қиймати, ўқувчига таъсир этиш кучи камаяди, баъзан эса ҳатто ва композицион қурилишига зарар этиши ҳам мумкин. Ҳар бир мақсадда келтирилади ва муайян ғоявий-бадий вазифани қаратилган бўлади. Бундан ташқари, шеърӣ қисмларнинг ҳақиқат хил: баъзан кичик-кичик парчалар (қитъа, рубоӣ, байт) келтирилади. 30-40 байтни ўз ичига олувчи катта ҳажмдаги шеърӣ қисмлар буларни мустақил бир асар деб қабул қилиш ҳам мумкин. Масалан, катта бўлмаган "Масрур ва унинг маъшуқаси Зайнулмавосиф" ҳикоясида шеърӣ парча келтирилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси жамланса 363 байт бўлади. Бу катта бир дoston ҳажмига тенгдир.

Айни шу 58 шеърӣ парчанинг жанрий тузилиши, вазни ва тартиби ҳам турлича. Бунда қитъа шаклида ёзилган шеърлар ташкил этса-да, аммо ғазал, қасида, маснавий шаклларида битилган ҳам анча. Айниқса, катта ҳажмли шеърлар маснавий шаклида. Баъзан асарнинг ўзида келтирилган шеърнинг жанрини кўрсатилади. Бироқ бу ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Қаҳрамони тилидан айтилган шеър билан келтирилган мисол мувофиқ.

Чунончи, шу "Масрур ва унинг маъшуқаси Зайнулмавосиф" ўқиймиз:

"Масрур бир кўчага бурилиб, мўлжалланган уйига етиб борди. Мунгли бир товуш эшитилибди. Бу хонадонда аллаким гамгин мана шу ғазални ўқийётган эмиш:

Файз шамоли эсди ёрим юртидин,
Ҳиди келса дардлара дармон бўлур.
Мен хароб, вайроналар ичра умр-
Ўйлар эрдим жон агар жавлон бўлур.
Мен дедим: қайттил бу уйга қайтадан.
Бахт келурму, дил қачон шодон бўлур?
Мен ғизолим васлига восил бўлуб,
Жон қачон йўлида сарғардон бўлур?

(С.Абдулла таржима)

Кўриниб турибдики, ушбу шеърӣ асарни ғазал деб бўлмас бўлиши учун байтлар миқдори камида бешта бўлиши ва матлаф ўзаро қофияланиши керак эди.

Афтидан, қиссачи бу ўринда асарнинг шаклий тузилишига мазмуни ва лирик оҳангини назарда тутган. Яъни, кўшиқ бўлган шеърларни "ғазал" дейиш одати бўлган. Бироқ мазкур қиссада ҳам тузилиши ғазалга мос келадиган шеърлар бор. Масалан:

Ишқингизнинг оташи жонимга урмишдур шарар,
Ҳам юрак юз пораду, ҳам кетди давлат, симу зар.
Ёр васлидин жудо бўлгач, қаро бўлди кундуз
Кўзларим ёш тўкмагинин кеча-кундуз тира-тар...[2:18].

(С.Абдулла таржимаси).

Шу тарзда шеърий парчалар 60-йиллар таржимасида тузилиш хусусиятига қараб, асарнинг ўзида ғазал, рубоий, шеър, маснавий деб тақдим этилган.

Шеърни келтиришдан олдин “шоирнинг мана бу шеърини ўқиди”, “бир шоирнинг мана бу байтлари эсига тушди”, “шоирнинг шу шеъри ҳолига муносиб эди” каби жумлалар келтирилади. Баъзан шеър муаллифларининг номини тилга олиш ҳам учраб туради. Баъзи қиссаларда эса машҳур араб шоирларининг ўзи асар қаҳрамони сифатида иштирок этадилар.

Чунончи, “Жавҳарфуруш қизи Будур ва Жубайр ибни Умайр аш-Шайбоний” [2:172] қиссаси ичида “Абу Нувос билан Ҳорун ар-Рашид” ҳикояти бор. Унда тасвирланишича, халифа Ҳорун ар-Рашид бир кеча уйқуси қочиб, саройини айланиб чиққан экан, кўзи ухлаб ётган бир гўзал канизакка тушибди. Сўнгра у канизакни уйғотиб, ундан қўшиқ эшитибди. Шундан сўнг эртага кечаси келишга ваъдалашиб, шоир Абу Нувосни чорлабди. Абу Нувос келгач, Ҳорун ар-Рашид: «Менинг ҳолатимга бағишлаб шеър айт», дейди. Шунда у кечаси бўлиб ўтган воқеани худди кўргандай шеър билан тасвирлаб беради. Халифа ҳайратга тушиб, кечаси шоирни бирга олиб канизак олдига боради. Канизак уд чалиб турли оҳанг ва усулда қўшиқ куйлайди.

Абу Нувос эса шароб ичиб, канизакни васф этиб шеър тўқийди. Шоир маст бўлиб ўзини унутганда, Ҳорун ар-Рашид, канизакка қараб, шоирнинг қўлидаги қадаҳни олиб яшир деб буюради. Канизак қадаҳни олиб оёқлари орасига яширади. Шунда халифа шоир боши устида қилич кўтариб бундай дейди: “Бизга бир шеър айт, унда ичган қадаҳнинг тўғрисида гап бўлсин, йўқса каллангни оламан”, дейди.

Абу Нувос бирдан ҳушёр тортиб, шу заҳотиёқ қўлидаги шеърни ўқийди:

Нигорим ўғри чиқиб
Дилимни этди хароб.
Пиёламни яшириб,
Мени қўйди бешароб.
Бекитган жойи маълум,
Тилим лол, бағрим кабоб.
Уяламан айтурга
Халифам шод беҳисоб [2:217].

(Ш.Шомуҳамедов таржимаси).

Халифа қойил қолиб, шоирни тақдирлайди.

Умуман, “Минг бир кеча”да Абу Нувос ҳақида ҳам, халифа Ҳорун ар-Рашид ҳақида ҳам ривоят ва ҳикоятлар жуда кўп. Бу кичкина ҳикояда Абу Нувоснинг ҳам инсон сифатидаги характери ва ҳам шоир сифатидаги топқирлиги, баланд истеъдоди очиқ берилган. Демокчимизки, бундай ҳикоятлар таркибидан шеърий парчаларни чиқариб ташлаб бўлмайди-шеърлар асар жисмига сингиб кетган ва қаҳрамонлар хусусияти, асарнинг мазмун-маъносини ифодалаб келади.

“Минг бир кеча” ҳикоятлари турли-туман бўлгани каби, шеър ҳам мазмунан турлича. Масал ҳикоятларда шеърлар кам, бўлса қисқа-қисқа. “Шаҳзода ва етти вазир”[4:367], “Синбод баҳрий”[4:247] каби афсонавий қисмларда шеъринг парчалар кўп эмас. “Минг бир кеча”нинг ҳинд афсоналари қисмларида шеърдан кенг қўлланган. Бу усул соф арабий манбага эга қисмларда кенг қўлланилган. Шеърлар асарни яхлит ҳолга келтирган номаълум адиб бўлиши ҳам ёки шу қиссалар алоҳида-алоҳида яратилган пайт бўлиши ҳам мумкин.

“Умуман олганда, наср-назм усулида асар ёзиш Шарқда кенг тарқалган. Бу Шарқ муаллифларининг севган усули эди. Бунинг сабаби адабиётнинг асосий, юксак тури ҳисобланган. Насрни назм билан асарнинг бадиий қийматини ошириш ҳисобланган.

Китобхонлар ҳам шунга ўрганган, шуни хуш кўрган. Шу билан асарлар кўп яратилган, баъзан аслида шеърсиз ёзилган айрим асарлар наср-назм қилиб қайта ишлаб чиқилган.Чунки XV аср китобхонлари “Маъқул бўлган” [1:72] - дейди проф.Н.Комилов “Бу қадимий санъат”

Шунга асосан айтиш мумкинки, «Минг бир кеча»нинг кейинги яратилган қисса ва ҳикоятларида шеър келтириш кўпроқ кўзга ташланади.

“Минг бир кеча”нинг XX аср 60-йиллардаги ўзбекча таржималари айрим шеърлар матнидаги услуб ва маҳоратни кўздан кечириб чиқаришга ҳарат қилган.

Бу даврда ўзбек шеърини таржима қилишда бармоқ вазни етакчилик қила бошлаган. Бироқ С.Абдулла ва Ш.Шомухамедов ҳам “Минг бир кеча” руҳини сақлаш учун араб тилидаги шеърларни ўз оҳанги билан таржима қилишга ҳарат қилганлар. Фақат вазн эмас; аруз билан боғлиқ қофияланиш тарзи ва ҳам берилганлигини кузатиш мумкин. С.Абдуллага нисбатан Ш.Шомухамедов шеър таржимасига бирмунча эркинроқ ёндашган.

Шуни таъкидлаш зарурки, ўзбек таржимонлари шеъринг парчалар асар қийматига таъсирини чуқур англаганлари ҳолда, иложи борича меҳнат сарфлаб, ўзбек тилига ўнгирганлар ва шу орқали “Минг бир кеча” руҳини ўзбек китобхонларига етказганлар. Албатта, бунда ижодкорнинг услуби, шоирона маҳорати, тажриба-малакаси намоён бўлади. Ш.Шомухамедов ва Собир Абдулла таржималари етук ижод намунаси. Бунда ҳам ижодийлик, ҳам аниқлик бор. Айниқса, Ш.Шомухамедов таржималари катта маҳорат меvasи бўлиб, шавқу завқимизни оширишга ҳарат қилган.

Таржимонлар ҳар бир шеърнинг хусусияти, мазмунидан қайси муносабатда бўлганлар ва сўз ўйинлари, турли поэтик санъатлар қўллангани билан асар тўқимасига сингдирилиб, юксак бадиий қиймат қўлинган.

Таржимон ҳам санъаткор. У ҳам ўша ёзувчи, ўша шоир каби ҳарат қилади, тасвирлайди. У ҳар бир образни ўз тилида яратиш учун ҳарат қилади.

қаҳрамоннинг қалбига кириб боради, ҳар бир қаҳрамоннинг руҳи, онги, характери ўрганади, уларнинг шодлигига шерик, ғамига ҳамдард бўлади. Ҳақиқий таржима асари ана шундай яратилади. "Санъаткорнинг ижоди унинг ҳаётидир. Бирор воқеадан қаттиқ таъсирланмаган санъаткор ўзгаларга таъсир эта оладиган жонли образ ярата олмайди, катта санъат даражасига кўтарила олган асарнинг ҳар бир мисраси қон ва ёш билан сугорилган ижодий азоб-уқубатлар ва аччиқ уйқусиз тунлар эвазига яратилган бўлади" [3:5].

1. Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б.72
2. Минг бир кеча. Араб эртаклари. –Т.: Ўздавнашр, 1961. 8жилдлик Ж.4. –Б.17.
3. Петров С. Тайны творчества. –М.: Наука, 1964.
4. Минг бир кеча. Араб эртаклари. –Т.: Ўздавнашр, 1962. 8 жилдлик. Ж.5. –Б. 367.

Турсун Қурбон Туркаш

Залилий лирикаси ва «ўн икки мақом»

«Ўн икки мақом» - халқ мусиқий тафаккури ҳосиласи. Юзага келиш тарихи, мазмуни, шакли ва композицияси билан ўзбек ва уйғур мақомлари ҳар жиҳатдан уйғун. "Ўзбек халқ мусиқаси"нинг IV томида айрим ўзбек мақомларининг қашқарча варианты берилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Уйғур мақомларининг мумтоз қатори рок, чобият, мушовирок, чоргоҳ, панжгоҳ, ўзҳал, аҷам, ушшоқ, баёт, наво, сегоҳ ва ироқдан иборат бўлиб, жами 320 мусиқий оҳанг, 3127 мисра шеърдан тузилгандир. Уни бир сутка давомиде ижро этиш мумкин. Машраб бир шеърда мақом номларини зикр этиб қуйидагича ёзган:

Сеторим ториға жон риштасидин тор эшиб чолсам,
Анингки ноласидин бенавонинг кўнглини олсам.
"Баёд"и, дилбаримни ёдида чолсам паё-пайким,
Ки кўнглум бенаво бўлгонидин айлаб "наво" чолсам.
Мақомларнинг атосини "Хусайний"у "Аҷам" дерлар,
Булардин ҳам юқори пардайида "Панжгоҳ" чолсам.
Аролаб чолсам "Ушшоқ"у мақомни "Рок"ка еткузсам,
Ки ул шому саҳарларда "Мушовирок"ни ман чолсам,²

Машраб бу ғазали орқали ўз даврида кенг тарқалган ўзбек ва уйғур мақомлари ҳақида маълумот берган.

Уйғур мумтоз мусиқасидаги «Ўн икки мақом» Ёркент хонлиги (1514-1680) даврида сараланган ва яхлит ҳолга келтирилган. Туркий адабиётнинг сара

¹ Ўзбек халқ мусиқаси, IV том. –Тошкент, 1958. –Б. 260.

² Абдушукур Муҳаммадмин. Уйғур классик мусиқаси. Ўн икки мақом. –Урумчи. 1997. –Б. 367.